

YOSHILAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi



ция ва викториналар ҳам ташкил этилди. Ғолибларга сеvimли ижодкорларнинг дастхатлари туширилган китоблар совға қилинди.

Самарқандликлар ҳам маърифат байрамига ўзгача тайёргарлик кўрганни томошабинлар юз-кўзидан ҳам илғаш қийин эмасди.

Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгаши томонидан электрон нашрлар ярмаркаси, шунингдек, Брайль алифбосидаги китоблар кўргазмаси, дарслик ва адабиётлар тақдими ўтказилди.

Сайил давомида болалар ижодий жамоаларининг чиқишлари меҳмонларга хуш кайфият улашди.

Яқунда "Энг яхши китобхон оила", "Энг яхши китобхон", "Ёш нашрхон" номинацияларида ғолиблар аниқланиб, ҳар бирига китоб жамланмалари совға қилинди.

Эрта тонган Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи китобсевар ёшлар билан гавжум бўлди.

Ташкил этилган кўргазмада нашриётлар томонидан 500 га яқин китоб — бадий асарлар, ижтимоий-сиёсий, илмий мавзудаги адабиётлар намойиш этилди. Шунингдек, ахборот-ресурс марказларининг тақдирот ва тарғиблари ёшлар эътиборидан четда қолмади.

Андижонлик ёшлар китоб байрамини Қўрғонтепа маданият ва истироҳат боғида қарши олди. Фестиваль доирасида ташкил этилган ижодкорлар учрашувлари, маҳорат дарсларидан йигит-қизларнинг кўнгли тўлди. Улар тенгдошлари билан ўзаро фикр алмашиш имконига эга бўлди.

Наشريётлар томонидан болаларга китоблар ҳадя қилинганда ота-онаю, бобо-бувалар бундай тадбирлар бардавом бўлишини ният қилиб, дуога қўл очди.

Мухбирларимиз.

ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ I ҚУРУЛТОЙИГА

35
КУН ҚОЛДИ

Беруний туманининг Саркоп овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи яқка тартибдаги тадбиркор Сабоҳат Аमतовага чорвачилик фаолияти билан шуғулланиш учун Ёшлар иттифоқи 100 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатди.

ЎН ЙИЛ ЎТИБ КЕТДИ ИНТИЗОРЛИКДА



Синфдошларимга

Кўнгли буйидан баланд, юраги покиза ўқувчилик давримиз билан ҳўшлаганимизга ҳам ўн йил тўлибди. Қайсидир лаҳзалари яшашиб, яна қанча соати саробдек совирилган ўн йил! Эрта тонгда мактабга кеч қолсан, деётган онанинг меҳрибон кўллари эмас, дунёнинг ташвишлари туртиб уйотган ўн йил! Орузу муроднинг ўртасида ойнаванд девордек тўсилган ўн йил! Ҳатлаб ўтишининг имкони йўқ, бузиб бўлмайди-ган, кечиб кетолмайдиганимиз бахт ортида шундоққина кўриниб турган сўнгсиз девор еқалаб ўтаётган умримизнинг ўн йиллиги...

Дарёдай шовуллаб ўтган йиллар қаршисида қарра жадвалини ёддан айтолмай қийналиб турган ўқувчилик нигоҳларимиз деворга тикилади. Ҳаёл иккинчи қаватдан улоқтирилган дафтаредек тўзғийди. Бўёғи чаплаган хатдек тушуниксиз ҳаёт йуллари ёрилган қоптоқ атрофида тўпланган болалардек бизни бир жойга жамлаб турибди. Бунда фақат нигоҳлар сузлашади, кўнглилар дардлашади. Юрак синфдош қизининг сўмқасида ҳар қуни пайдо бўлиб қоладиган мактублар каби янгилинишни истагани. Аммо "Дил дафтери"нинг анкета саволига ҳатто "от"нинг ҳам қоидабини билмайдиган ўқувсиз ўқувчилик ёзган жавобларимиз тунда бизни қанча бедор қилмасин, тонг отиши билан бунинг барчаси қундалик юмушлар домида ғойиб бўлади.

"Дил дафтери"га: "Ўн йилдан кейин ўзимни ютуқларга эришган, бахтли одам сифатида тасаввур қиламан", дея жавоб ёзганман. Дарҳақиқат, ўша вақтда биз орзунинг рангини аниқ танир, бахтнинг номини ҳам билардик. Бутун ҳовучимни

тўлаириб турган орузу армонни бир-бирдан ажрата олмаيمان. Улар шу қадар қоришиб кетганки, армонсиз орузу ёки орузсиз армон йўқдек... Кеча синфдош қизининг соҳига толопуқ тақиб келганини кўриб, энтика-энтика ўзимизни бахтиёр ҳисоблаганимиз — бунинимиз учун тиши кемтик қизининг ярашқисиз жилмайишидай ҳолос. Ҳа, болаликнинг кўзлари "катта" кўрган барча нарсалар бугун бутунлай ўзгача шаклу шамойил касб этган. Оқ кабу-тарга мўъжиза деб эмас, оддий қуш деб қараймиз. Ва ҳар доим сирли, ҳашаматли бўлиб кўринган мактаб биноси қишлоқ уйларида кўп ҳам фарқланмайдиган ўқув ўраб олган. Ана шу маскан дарвозасидан "катта одам" бўлиш мақсадида ҳатлаб ўтишга, ҳаётнинг "иккинчи" ўқувчиларига айланиб қолдик. Не битикким, ҳаётнинг қарра жадвалини билмаймиз. Она тили фанидан нуқул уй вазифасини алмаштириб ўқиб келамиз. Сўнг қаттиққўл ўқитувчининг қаршисида мум тишлагандек ер сингалаймиз. Зўр бериб ўзимизни тафтиш қила болаймиз. Унинг ниҳояси ҳар доим бир хил "nega?" "нима учун?" каби саволлар билан яқун топади. Атрофимизни биринчи синфнинг қизикувчан ўқувчиларидек саволлар ўраб олган. Ғуёки бизлар сўроқ белгиси бўлиб дунёга келганимиз.

Мен буларни жумлаларим қизиқарли, сирли ўқилиши учун ёзмайман. Яшолмай ўтказилган йилларнинг ҳисобини тошойна қаршисида бераётган "Мен" бўлиб битаетирман. Баландлариз гап бўлибди, дейсизми? Асло!

(Давоми 3-саҳифада)

KUN MAVZUSI МАЪРИФАТ БАЙРАМИ

Мамлакатимиз бўйлаб "Китобхонлик маданиятини юксалтириш — буюк мақсадларимизга эришишнинг муҳим кафолатидир" шиори остида китоб байрамлари ташкил этилди



корейс тилидаги таржимаси алоҳида диққатини тортди.

Бухоро шаҳридаги китобхонлар "Сомонийлар" истироҳат боғида жам бўлди. Сайил нафақат ёшларимиз, балки хорижий сайёҳларга ҳам ўзгача таассурот қолдиради. — Юртингизда китобхонликка бунчалик катта эътибор қаратилмаётганидан хайратланман, — дейди германиялик сайёҳ Зепп Маркесс. — Айниқса, ёшларингиз мутолаага ўч экан. Бу эса келажак ишончли кўларда эканидан далолат беради. Тадбир доирасида турли ак-

Пойтахтимизнинг Сайилгоҳ кўчасида ўтказилган тадбир китобхонларга бир олам таассурот улашди. Унда 100 дан зиёд нашриёт, матбаа қорхонаси ҳамда китоб дўконлари ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Тадбир доирасида "Намунали китоб дўкони" танловининг ҳудудий босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

Оҳангарон маданият ва истироҳат боғида ўтказилган байрамда таниқли ёзувчи ва шoirлар, "Ёш китобхон" курик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари, Зулфияноним издошлари, ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Тошкент вилояти бўйича 1 минг 18 та китоб ярмаркаси

ташкил этилиб, уларга жами 61 минг нафардан ортиқ йигит-қиз қамраб олинди. — Мутолаа сеvimли машғулотим, — дейди Ангрэн шаҳридаги 25-умумтаълим мактаби ўқувчиси Зиёда Қўчқорова. — Ёшлар марказидаги кутубхонага ёзилганман. Бугунги китоб байрамини роса яйрадим. Сеvimли адабимиз Абдулла Қаҳҳор ҳикоялар тўпламининг

BELLASHUV

Хоразмда "Амир Тему́р авлодлари" ҳарбий спорт мусобақасининг республика босқичи бўлиб ўтди.

ШИЖОАТКОРЛИК РУҲИ БАЛАНД



Мусобақанинг Урганч шаҳридаги Жалолиддин Манғуберди ҳайкали қаршисида ўтказилгани иштирокчиларга шижоаткорлик руҳи ва кўтаринки кайфият бағишлади. Шу алфозда улар тўрт шарт бўйича билим ҳамда маҳоратини синовдан ўтказди.

Ўқувчилар учун маданий дастур ҳам кўзда тутилиб, улар вилоят Ёшлар марказидаги "Ёшлар театри" жамоасининг саҳна кўринишларидан баҳраманд бўлди.

Яқуний хулосага кўра, 1-ўрин хоразмликларга насиб этди.

Барно ЯКУБОВА

Мудофаа вазирлиги ва Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида амалга оширилган лойиҳада Самарқанд, Фарғона ва мезбон вилоятдаги Темурбеклар мактаби ўқувчилари иштирок этди.



ЁШ ОЛИМЛАРГА
150 МИЛЛИОН СЎМ НАҚД 3



КЕЛДИ ТУЛКИЛАР
ЗАМОНИ... 4

ЁШЛАР - КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан "Ёшлар — коррупцияга қарши" мавзусида ведео-конференция ўтказилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган молия ва фазначилик соҳаси ҳамда бюджетдан ташқари пенсия ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида фикр алмашилди.

Тадбирда Молия вазирлиги ҳузуридаги ўқув маркази мутасаддилари, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг эксперт гуруҳи аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси

Президент қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Ведео-конференцияда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, ёшлар орасида коррупцияга қарши курашиш, коррупция ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида фикр алмашилди.

Тадбирда Молия вазирлиги ҳузуридаги ўқув маркази мутасаддилари, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг эксперт гуруҳи аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси

Миллий маркази мутахассислари ҳамда Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиларининг маърузалари тингланди.

Фазначилик бўлимида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисидаги Низом ижроси, давлат бошқаруви соҳасида ёшлар ўртасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар, меҳнат қонунчилигида ёшларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш усуллари, коррупцияга қарши курашишда ёшлар орасида ҳуқуқий билимлар ва ҳуқуқий маданиятни ошириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Моҳиғул
ҚОСИМОВА,
ЎЗА мухбири

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



ТУРКИЯДА
ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

Жорий йил бошдан мазкур мамлакат оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, муҳим ислоҳот ва ўзгаришлар, сайёҳлик имкониятларимизга бағишланган қатор материаллар эълон қилинди.

Январь ойида Туркиядаги етакчи иқтисодий нашр — "Derin Ekonomi" журнали ҳамда "Yeni Safak" газетасининг сиёсий шарҳловчилари Шавкат Мирзиёевни 2018 йилда ўз мамлакати ва минтақадаги вазиятнинг ўзгаришига салмоқли таъсир кўрсатишга қодир дунё етакчиларининг биринчи ўнлиги рўйхатида киритди.

Март ойида "Yatirim ve Finansman ve Diş Ticaret" журнали Президентимизнинг Олий Мажлисига йўнalgан Мурожаатномасига бағишланган махсус сон тайёрлади. Бундан ташқари, "Bloomberg Weekly" журналининг март ойи сониди Евроосиё иқтисодий муносабатлар ассоциацияси раҳбари Ҳикмет Эрен қаламига мансуб "Ўзбекистон бутун дунёга очилмоқда" сарлавҳали мақола босилиб чиқди.

Апрелда "Diş Ticaret" иқтисодий журналининг юртимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган махсус сони чоп этилди. Ундан турли мақолалар билан бир қаторда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Абдуҳакимов ҳамда Туркиядаги элчимиз А.Аъзамхўжаевнинг интервьюлари ҳам ўрин олган.

Нашрнинг таъкидлашича, сайёҳлик Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик тармоғи ҳисобланади. Мамлакатимизда Туркия фуқаролари учун ўттиз кунлик визасиз режим жорий этилгани, халқаро ва минтақавий сайёҳлик бозорига таъсир кўрсатишга қодир бўлган туб ислоҳотлар амалга ошириладигани ҳақидаги таҳлилий материаллар ҳам махсус сон саҳифаларини бойитишга хизмат қилган.

"TREND"
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ
ҚАЛАМГА ОЛДИ

Озарбайжоннинг "Trend" халқаро ахборот агентлиги веб-саҳифасида чоп этилган мақолада Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларида мамлакатдан четга, асосан, пахта чиқарилган бўлса, бугунги кунда экспортнинг 80 фоизини қайта ишлаш саноати маҳсулотлари ташкил этаётгани таъкидланган.

Нашр экспорт фаолиятини соддалаштириш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиладигани ҳақида ҳам ёзади. Биргина ўтган йилнинг ўзида товарларни бошланғич бадалсиз ва кафолат мажбуриятларисиз экспорт қилиш тартиби ўрнатилди. Экспорт қилишда солиқ имтиёзлари кенгайтирилди. Валюта

бозори либераллаштирилди ва бошқа кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Мақолада автомобил-созлик, озиқ-овқат, кимё ва нефть-кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, электротехника тармоқлари ривожини йўлида ташланган залворли қадамлар хусусида ҳам сўз юритилган.

"THE INDEPENDENT"
8 САБАБНИ ОШКОР ЭТДИ

Британиянинг нуфузли нашрида Ўзбекистон ҳақидаги таҳлилий материал эълон қилинди. У саҳаҳт ишқибозлари учун мўлжалланган.

Мақолада муаллиф Клэр Вут Марказий Осиёнинг "юраги" бўлган Ўзбекистон ниҳоятда гўзал ва серкирра диёр бўлишига қарамай, жаҳон туризм бозорини етарли даражада танилмаганини қайд этади. Шу муносабат билан журналист сайёҳлар эътиборига юртимизга келишига ундовчи саккиз сабабни ҳавола этган. Буларга Самарқанднинг ёрқин ва маҳобатли осори атиқала-

ри, Европадаги энг ноёб иншоотлар билан бемалол рақобатлаша оладиган қўхна ёдгорликлардаги нақшкор девору устунлар, виза олишининг соддалаштирилган тартиби, мева ва सबзотларнинг бетакрор таъми, Тошкент метросининг ўзига хос жозибаси, пойтахт шаҳар архитектураси, ўзлаштирилмаган жонли табиат ҳамда саҳаҳт нархининг нисбатан арзонлиги киради.

"Дунё" АА материаллари асосида тайёрланди.

YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

ХОРИЖЛИК КИНОРЕЖИССЁРЛАР
ЎЗБЕКИСТОНДА КИНО ОЛАДИ

Н.НАСРИЕВ, ЎЗА мухбири

Ёшлар пресс-клубида юртимиз ёш киноижодкорларининг Францияда ўтказилган 71-Канн халқаро кинофестивалидаги иштироки ҳамда унда илк бор "Uzbekistan" миллий павильонининг ташкили этилиши билан боғлиқ ҳисоботи бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда 71-Канн халқаро кинофестивалида иштирок этишдан кўзланган мақсад ва эришилган натижалар ҳақида батафсил маълумот берилди. 10 га яқин хорижий давлатлардаги кинорежиссёрлардан Ўзбекистонда фильм олиш

таклифи тушганлиги, ушбу фильмлардаги қаҳрамонларнинг ярми ўзбекистонлик актёрлар бўлиши ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Очик мулоқот мобайнида халқаро фестивалдаги иштирок билан боғлиқ

сарф-харажатлар юзасидан ҳам ҳисобот тақдим этилди. Учрашувда журналистлар Ёш киноижодкорлар кенгаши вакиллари билан бир қатор саволлар билан мурожаат қилишди. Анжуман давомида "Scorpion" фильмининг суратга олиш жараёнлари ҳақида маълумот берилди.

Ижтимоий тармоқларда турли фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлган ёш киноижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг халқаро фестиваллардаги иштирокини рағбатлантириш билан боғлиқ мурожаатга мутасаддилар жавоб берди.

SAYONAT

ЗИЁРАТГОҲ, МУЗЕЙЛАР ВА ВЕЛОПОЙГА

Ички туризмни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон бўйлаб саҳаҳт қил!" лойиҳаси Жиззах вилоятида самарали амалга оширимоқда



Лойиҳа доирасида Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандлари учун махсус тур ташкил этди.

Саҳаҳт Галлаорол туманидаги Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳидан бошланди. Болалар ушбу қадимки тарихи билан

яқиндан танишган, миллий ўйинлар томошаси ҳамда саҳна кўринишларидан баҳраманд бўлди.

Навбатдаги манзил

"Илон ўти" дарасидаги Амир Темур дарвозаси бўлди. Кўплаб тарихий шахсларнинг қалами етган ҳамда не-не жангу жадал-

лар гувоҳига айланган ушбу машҳур объект ёшларни ҳайратга солди. Шундан сўнг саҳаҳтчилар Жиззах шаҳридаги Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон ва

Зулфияноним музейларига ташриф буюрдилар. Мазмунли саҳаҳт вело-марафон мусобақаси билан якунланди. Унда Ёшлар иттифоқи ходимлари ҳам

Сардор БЕКЖОНОВ



иштирок этди. Пойгачилар Шароф Рашидов кўчаси бўйлаб ҳаракатланди. Финишга биринчилар қаторида етиб келган спортчилар алоҳида рағбатлантирилди.

— Лойиҳа менга ёқди! — дейди Диёр Тошпулатов. — Мириқиб дам олдим. Жуда кўп нарсаларни ўргандим. Ўстаарим билан Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳида ажойиб балиқларни томоша қилдик. Бу жойнинг тарихи билан боғлиқ ривоятларни эшитиб, ота-боболаримиз қанчалик буюк бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Веломарафон ҳам байрамона руҳда ўтди. Ташкилотчиларга раҳмат.

TASHABBUS

Алишер БОЙМУРОДОВ

Ёшлар иттифоқининг Чилонзор тумани кенгаши жисмоний имконияти чекланган истеъодли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда бўш вақтини мазмунли ўтишига қўмаклашиш мақсадида "Бахтли болалик" кўрик-танловини ташкил этди.

БАХТЛИ
БОЛАЛИКНИНГ
ЁРҚИН БЎЁҒИ

Унда юз нафарга яқин ўғил-қиз қатнашди.

Наврасталар расми чизиш, кроссворд, ақд машқи, мозаика йиғиш йўналишларида маҳоратини намойиш этди. Танлов доирасида "Ўзбекистон — Ватаним маним!" мавзусида ижодий ишлар ва ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси ҳам ўтказилди. Экспозициядан жой олган ижод намуналари барчада катта қизиқиш уйғотди.

Яқунда ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

DAVRA SUHBATI

ЭКСТРЕМИСТИК
ҒОЯЛАРНИНГ ВАЙРОНКОР
ХУСУСИЯТИ

Санжар ЭШМУРОДОВ

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги ҳарбий қисмда "Аскарларда диний экстремизм, терроризмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда "Исломот" масжиди имом-хатиби Фазлиддин Хусанов, ҳарбий қисм офицери ва аскарлари иштирок этди.

Тадбир аввалида террористик ҳаракатларнинг салбий оқибатлари ҳақида видеолар ҳамда намоиш этилди. Сўнгра Ф.Хусанов ислом динининг асл мазмун-моҳияти, юртимизда дин ва виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган эътибор

хусусида сўз юритиб, диний экстремистик ғояларнинг вайронкор хусусиятини тушунтириб берди. Аскарлар ҳам мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этди ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддидан жавоб олди.

FESTIVAL

Қумар БЕҒНИЯЗОВА



ОВУЛЛАРДАН
ЧИҚҚАН ТАЛАНТЛАР

Қорақалпоғистон Республикасида "Ёшлар — келажак бунёдкори!" шiori остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унинг доирасида ташкил этилган "Ёш кўшиқ ижрочилари", "Ёшлар чолғу ансамбллари ва оркестрлари", "Талабалар театр-студиялари" танловларида 200 нафарга яқин йигит-қиз ўз истеъодини намойиш этди.

Лойиҳага Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик музыка театрида старт берилди. Тадбирда сўз олган Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Дилноза Каттахонова фестивал иштирокчиларига омад тилади.

Жонли куй-кўшиқлар, гўзал рақслар ва Қорақалпоқ давлат университети талабалар театр-студияси актёрлари ижросидаги "Йигитлар" спектакли барчада катта таассурот қолдирди. Яқунда ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

— "Дем бермес" қорақалпоқ миллий ашуласини куйлар эканман, томошабинлар мени мароқ билан тинглаётганини ҳис этдим, — дейди ғолиблардан бири Дилфуза Беғимова. — Демак, ижро уларга ёқибди. Олис овулардан бизни излаб топиб истеъодимизга қанот бераётгани учун ёшлар ташкилотига миннатдорлик билдираман.

ESHITDINGIZMI?

Мирнош ЭРКИНОВ

4-5 июнь кунлари пойтахтимизда "Уюлмаган ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш: муаммо ва истиқболлар" мавзусидаги II халқаро илмий-амалий конференция ўтказилади.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИНИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда "Ёшлар келажак бунёдкори" шiori остида ташкил этиладиган анжуманда халқаро ташкилотлар, элчихоналар вакиллари ва экспертлар иштирок этади.

Ташаббус дунё мамлакатлари таърибасини иноватга олган ҳолда уюлмаган ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни таҳлил этиш, уларни бартараф этиш учун замонавий механизмларни ишлаб чиқиш, ижтимоий нофаол йигит-қизларнинг ижтимоий-психологик ҳолатини ўрганиб, бандлигини таъминлаш борасида қилмаётган ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган. Анжуман ўз

ишини уч шўбада олиб боради. Биринчи йўналишда уюлмаган ёшлар билан ишлашда Ўзбекистон ва хориж таърибасининг назарий ҳамда амалий жиҳатлари таҳлил этилса, кейингисини мазкур қатламнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муаммолари ҳамда уларнинг ечимлари хусусида сўз юритилади. Учинчи шўбада бу борадаги ишларнинг самарадорлигини оширишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигининг истиқболлари ўрганилади.

Конференцияга тақдим этилган илмий тезислар ҳозирда таҳрир ҳаёти томонидан саралаб олинмоқда. Муносиблари тўлама сифатида чоп этилади.

ДИҚҚАТ, ХУШХАБАР!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2017 йил 14 ноябрда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган фидойи, табиий етакчилик қобилиятини намоён этган, ватанпарвар, юрт келажигига дахлдорликни ҳис қиладиган,

меҳнатсевар ва бошқа инсоний фазилатларга эга ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида "Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига киришда имтиёзлар бериш тўғрисида"

қарор қабул қилган эди. Ҳужжатда Республика комиссияси тақдиминомаси асосида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларини доимий яшаш жойидаги олий таълим муассасаларининг педагогика таълим йўналишларига тест синовлари ва касбий (ижодий)

имтиҳонларсиз давлат гранти асосида ўқишга имтиёзли қабул қилиш белгиланган.

Даътаб туман ва шаҳар комиссиялари томонидан Ёшлар иттифоқининг 815 нафар сардори, 1 минг 908 нафар бошланғич ташкилот етакчиси ҳамда тизимда икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган 2 минг 769 нафар фидойи ёшнинг фаолияти таҳлилий урганилиб, 600 нафардан зиёд номзод саралаб олинган.

Ҳудудий комиссиялар эса,

Иттифоқ тизими ривожига қўшган ҳиссаси, эришган ютуқлари, табиий етакчилик қобилияти ва фидойилигига қараб 42 нафар номзодни танлади ва Республика комиссиясига тақдим этди.

Яқуний худосага кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 1 нафардан энг муносиб вакил олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш учун тавсия қилинди. Қуйида улар билан танишишингиз мумкин.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛГАН ЁШЛАР РЎЙХАТИ



Генжегулов Шахзад Аммалбергенович

Нукус маданият ва санъат коллежи 3-босқич ўқувчиси, Иттифоқ етакчиси



Мирзахалилова Одинахон Нозимовна

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Улунгор тумани кенгаши таълим муассасалари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси, "Камалак" болалар ташкилоти раиси



Камильджанов Мухаммаджон Нейматажонович

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бухоро вилояти кенгаши бошланғич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси



Саттарова Дилором Исамидиновна

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Зарбдор тумани кенгаши таълим муассасалари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси, "Камалак" болалар ташкилоти раиси



Шукурова Маҳдий Боқиевна

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти кенгаши ижтимоий-ҳуқуқий масалалар ва жиноятчиликлар профилактикаси бўлими мудири



Мухторов Достон Алишер ўғли

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Навоий иссиқлик электр станциясидаги бошланғич ташкилоти етакчиси



Холиков Икбол Латипович

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Поп тумани кенгаши таълим муассасалари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси, "Камалак" болалар ташкилоти раиси



Худоерова Фарангиз

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Республика ёшлар маркази Самарқанд вилояти бўлимидаги "Ёшлар туризми" тўғрисида раҳбари



Болтабоева Лобархон Расулхон қизи

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Гулистон туманидаги 17-умумтаълим мактабидаги бошланғич ташкилоти етакчиси



Тураниева Фархунхон Бобораҳим қизи

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сарисне туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабидаги бошланғич ташкилоти етакчиси



Турсунбаев Сайдар Бахтиярович

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти кенгаши бошланғич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси



Курбонова Моҳида Уюқбек қизи

Фарғона санъат коллежи 3-босқич ўқувчиси, Иттифоқ етакчиси



Атабоев Миркамолбек Фарход ўғли

Урганч ижтимоий иқтисодиёт касб-хўнара коллежи 3-босқич ўқувчиси, Иттифоқ етакчиси



Усманова Нозира Уюқбекевна

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Шайхонтоҳур тумани кенгаши ташкилий-кадрлар ва ахборот-таҳлил бўлими етакчи мутахассиси

ANA XOLOS!

Малик СИНДОРОВ

Навоий вилояти ҳоқими Қобул Турсунов ёшлар билан мулоқот қилди. Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши ташкил этган учрашув йигит-қизларга рағбат кўрсатишдан бошланди.



ЁШ ОЛИМЛАРГА 150 МИЛЛИОН СЎМ НАҚД

Ҳоқим вилоятда фаолият бошлаган Ёш олимлар кенгаши эҳтиёжлари учун 150 миллион сўм ажратишга қарор қилганини айтди. Бундай хушхабар илмий изланишлар олиб бораётган тенгдошларимизни гоятда руҳлантди. Энди улар интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириб, долзарб тадқиқотлар салмоғини кўпайтиришга тайёр.

Эслайтиб ўтамиз, жорий йилнинг февраль ойида навоийлик ёшларнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳоқимлик газнасидан 65 миллион сўм маблағ йўналтирилган эди.

Очиқ мулоқот давомида



Қ.Турсунов тадбир иштирокчиларининг муаммо ва тақлифларига ҳам қўлоқ тутди.

Навоий шаҳрида яшовчи тадбиркор Фирдавс Иброҳимов фаолиятини кенгайтириш учун ер ажратишда ёрдам сўради. Мурожаат шу заҳотиёқ қаноатландирилди.

Бир йиллик ҳарбий хизматни ўтаб қайтган учқудуқлик Миршод Бозоров эса, иш топшида қийналаётган экан.

Армия мактабида тобланган бу йигит маҳаллада посбон вазирасида ишлаётган бўлди.

Шундай қилиб, бир неча соат ичида йигирма нафарга яқин йигит-қизнинг кредит ва ер олиш, бандлик масаласи, тадбиркорлик ҳамда касаначилик билан шуғулланишга доир қўллаб-қувватлаш жойида ҳал этилди. Ҳоқим қолган саволларни ҳам эътиборсиз қолдирмаслик бўйича тегишли мутасаддиларга топширик берди.

ЎН ЙИЛ ЎТИБ КЕТДИ ИНТИЗОРЛИҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Катта шаҳарда ёлғиз яшаётган, қишнинг тойғоқ йўлида тойғона-тойғона ижара уйи томон бораркан, уй соҳибининг яна пул сўрашидан юраги зада бўлган, илимилиқ хонада қават-қават кийиниб, болалигида совуқ "урган" қўллари "куҳ-куҳ" лаб ўтирган одамдан баланларвонз гап чиқиши мумкинми?! Тагин тинимсиз бахт излаган одам рўпарасидан урилаётган кучли шамолда юзини терс буриб, қадамини эгиб, юра-юра, охир-оқибат, сўроқ белгисига айланиб қолишини наҳотки тушунмасангиз?! Ёки анкета саволларига ёзилган жавоблардаги "кўнгилик оппоқ уйда яшаш", "китобдан қурилган бино" каби орзулар оқ кабутарнинг сирини "фоз" бўлиши билан хаёлараст боланинг баланларвонз сўзларига айланиб қолдимиз? Билмадим, балки бизнинг ўзини излаганини топган, бахтли инсон деб ҳисобларсиз. Аммо мен дуч келган қиз ҳақида ялтоқлашиб гапирадиган эмас, севгилисини кўрганида ҳаяжондан қўли қалтирайдиган, бобосининг боғидан олиб келган анорни дўстларга бериб, ўзи қараб ўтирадиган синфдошларимни кўришни истайман... Истайман-у, ҳаётнинг чайир, шафқатсиз қўллари юрагига буров солган, юзида истеҳзоли кулгу қотиб қолган, ҳайратнинг ўрнини совуқ лоқайдлик эгаллаб олган кўзида худди шундай бўлиши керакдек кўринади.

Бир вақтлар қувноқ, шад-

дод бўлган синфдош қизнинг кўзларидаги мунг ва қайғуни кўриб, юрагим дод деб юборарди. Аммо манзилга етиб келгач (у менинг машинада келган), ундан йўлқирани ҳеч бир иккиланисиз олишим ўша лоқайд кўзларимнинг "хосияти"дир. Ҳа, ҳаёт мактабининг алоҳида синфларида ўқитган биз, ўқувчиларини олий маълумот олмаган ички мураббийларимиз мана шундай "бегонасиратиб" қўйди. Тўғри бизларни қайғудошлик, маслақдошлик ва яна аллақанча "дошлик"лар эмас, шунчаки синфдошликнинг ўзи боғлаб тургандек.

Эҳ биродарим, ортимга қарасам, собиқ меним билан ҳозирги меним ўртасида тубси жарлик пайдо бўлибди. Балки, бу жарлик сизга тақрор-тақрор айтганим — асл мақсад қилиб, беҳуда ўтказилган умримнинг заволидир. Ва ёки армонлар тескари тоғ ҳосил қилганмикин?! Аммо қачон? Қандай қилиб?! Нима учун?! Билмадим! Билмадим!!! Лекин бу тафтишдан оқилона худоса чиқара олмайётган қозидек толиқдим. Ўзим қоралайман, оқловчи ҳам ўзим... Шунда ўқитувчилар хонасидан синф журналини олиб келётганда "қонқарли" баҳосини "аъло"га ўзгартириб қўйган ўқувчилик қувлик қилдим.

"Дил дафтери"га ёзилган баъзи жавобларни ўчириб, қайтадан ёздам. Бу жавоблар келгуси ўн-йигирма йилликка мўлжалланган. Тагин ким билди дегинсиз, йўлда яна қанча қутилмаган бурилишлар бўлиши мумкин.

Боборовшан
ФОЗИДИНОВ

TENG IMKONIYATLAR JAMIYATI



Хавас қил, шитил!

Сарвиноз МАМАНОВА

Ҳаёт йўлининг ўнқир-чўнқирлари бисёр. Ногаҳон бошингга катта савдо солиб, гангитиб қўйиши ҳам мумкин. Аммо тақдирдан нолмай, қийинчиликларга матонат билан дош берган инсон кун келиб, албатта, рўшнолик кўради.

Фаллаорлик Барно Нарзуллаева билан танишдим. Унинг беғубор орзу-истаклари, ҳаётий қуввати ва ирода-си ўзи туғул, ўзгаларни ҳам ҳайратга солиб, ҳаракатга чорлайди. Ижтимоий фаоллигини айтмайсизми. Худас, бу қиз табиатан тортинчоқ бўлишига қарамай, илму иқтидори ва намунали хулқи билан Ҳужжабул қишлоғининг энг олд ёшларидан бирига айлана олган.

Барно Нарзуллаева ногирон бўлиб туғилган. Тақдирнинг беаёв зарбасига учраганига қарамай, синмади. Олга интилишда давом этди. Болаликдан ижода ҳаваси юқорилиги боис, расом сифатида шаклланди. Орада мунчоқчилик ҳунарини ҳам пухта эгаллади. Энди биланларини қишлоқ ёшларига ўргатиб келмоқда.

Хонадонига кирсак, йигирма нафар шогирди билан иш устида машғул экан. Кўриб беҳад қувондик. Буни қарангки, қаҳрамонимиз ўтган йилдан бошлаб яқка тартибдаги тадбиркорлик билан ҳам шуғулланиб келмоқда. Уша

йили "Ташаббус" курик-танловининг туман босқичида энг яхши ҳунарман сифатида эътироф этилди. Вилоят миқёсида ҳам ғолиблар сафидан жой олди. Бундан ташқари, Барно Нарзуллаева яна бошқа қўллаб танлов ва фестивалларда фаол иштирок этган.

— Келгусида ўқув марказ очмоқчиман, — дея орзуси билан бўлиши у. — Албатта, анчагина тер тўкиши керак. Лекин мен тайёрман! Машаққатдан сира чўчмайман. Ахир, ёнимда маслақдошу мадақдорларим, асосийси, оилам бор. Қолаверса, давлатимизнинг ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ишончи мени ҳаммаша руҳлантиради.

Тенгдошимиз яқиндагина Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Амалия санъат истиқболи ёшлар кўлида" номли республика ёш ҳунармандлар кўргазма-танловининг республика босқичида қатнашиб, "Оддий материаллардан миллий услубда тайёрланган тақинчоқлар устаси" номинациясида ғолиб бўлди. Мазкур хушхабарни эшитиб, бу қизнинг шаҳда шижоатига яна бир бор таҳсин айтдим.

Ҳа, халқимизда "Қимирлаган қир ошади", деган нақд бежиз пайдо бўлмаган. Бугунги дориламон кунларда ҳаётдан нолиб, айбдор қидириб яшаш ярамайди. Меҳнатсеварлик, сабру сабот, қўзланган мақсадга толмай интилиш бобид қанчадан-қанча тўрт мучаси соғларга ибрат кўрсатиб келаётган Барно Нарзуллаеванинг келгуси фаолиятида зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз!

SAXOVAT

ЭНДИ ЧЕТ ТИЛИ ХАМ ЎРГАТИЛАДИ

Муҳтарам АБДУЛЛАХОНОВА



Ёшлар иттифоқининг Учтепа тумани кенгаши фаоллари "Тепакўрган" маҳалласида бўлиб, уйда таълим олаётган бўлиб, уйда таълим олаётган бўлиб, ижтимоий ҳолатини ҳам ўрганиди. Хусусан, Ҳусан Озотуллаев оиласининг моддий аҳвали анча оғир экан. Йигитнинг ота-онаси ажрашган, ота ўғайдан хабар олмайди. Ҳусан алоҳида парваршига муҳтожлиги сабаб онаси ишлай олмайди. Урганиш давомида бундай оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида тақлифлар ишлаб чиқилди.

САВОЛГА 1 ЖАВОБ



— Талабаман. Фарзандимни мактабгача таълим муассасасига жойлаштиришим керак. Мен кибларга бирон имтиёз кўзда тутганими?

Гулноза РОЗИҚОВА
Гулистон шаҳри

Саволга ҳуқуқшунос Гулноза Йўлдошева жавоб беради:

— Ҳуқуқматнинг 2018 йил 28 мартдаги "Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган низоомга мувофиқ, ногирон шахслар, талабалар ва педагоглар, ҳарбий хизматчилари ва ҳуқуқий муҳофаза қилуш органлари ходимлари, уч нафар ва ундан кўп боласи бор оилаларнинг фарзандлари, шунингдек, етим ёки ота-онасининг қаровисиз қолган, бошқа

муассасалардан ўтказилган, ака-опалари шу муассасанинг тарбияланувчиси бўлган болалар учун боғчага қабул қилишда имтиёз мавжуд. Бунда анкета билан бирга тегишли йўланма ва ҳужжатларнинг асл нусхалари муассасага топширилади. Ўз навбатида, сиз ҳам талаба эканингизни тасдиқловчи ҳужжатни Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига тақдим этиб, имтиёздан фойдаланишингиз мумкин.

(Ёш ҳуқуқшунос-лар кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди).

MENING FIKRIM

Камолитдин РҲУЗИМАТОВ

Автобусда бола кўтарган аёл эътиборимни тортди. Чақалоғи ҳаммаёқни бошига кўтариб йиғларди. Она гўдакни юпатишга ҳарчанд уринмасин, эплай олмасди. Шунда у жаҳд билан: "Овозинг ўчгур, даминг ичинга тиқилгур", — дея норасидадини қарғай кетди. Шахсан менинг бу сўзлардан этим жимирладим.

ТИЛИМИЗДАГИ
ТИКАНЛАР

Имталаблик инсонга хос олий фазилатлардан биридир. Буюк муҳаддис олим Имом Бухорий "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ" асарига тўплаган кўпгина ҳадисларда хушмуомалалик ҳақида сўз боради. Афсуски, ҳозирги ёшлар анчайин жиззаки. Баъзилари катталарнинг пана-насихатига амал қилиш тугул, ҳатто эшитишни ҳам малол кўриши кишини ранжитади. Бу, шаксиз, тарбиядаги жиддий нуқсондир. Ривоят қилишларича, Ҳазрат Навоийнинг онаси унга сира ноҳура сўзларни айтмаган. Ибодатга тайёрланганда, аввал таҳорат олиб, сўнг эмизган экан. Бобомизнинг баркамол шахс, улуғ мутафаккир инсон бўлиб етишига

мазкур омил ҳам таъсир кўрсатган бўлса, ажаб эмас. Айтишларича, сичқоннинг думини кесиб, қушларнинг қанотин қайриб, бадиққа тош боғлаб оқизадиган, усти-боши жулдур, юзлари тиртиқ бола безорилик қилганида онаси ҳар сафар: "Мақкага имом бўлгур", — дея "қарғар" экан. Кунлар ўтиб, ўша бола ўзгарибди, онаси орзу қилгандек имом бўлиб етишибди. Бу ҳикоя қанчалик рост эканини биладими, аммо Тангрига дуодан кўра қарғиш тезроқ етиб боради, деган гапни кўп бора эшитганман. Хулоса қилиб айтганда, хушмуомалалик ҳеч кимга зиён келтирмайди. Шундай экан, бир-биримиздан ширин каломимизни аямайлик.

FIQRA

КЕЛДИ
ТУЛКИЛАР
ЗАМОНИ...

Фаррух ҲАСАН УҒАН

Жуза қадимий эртак бор: арслон, буқа ва тулки ҳақида. Бақувват мугузи ва ўткир тишларига ишонган ўрмон зурвонларини оғизига тулки мавҳ элади. Эски стратегия — иккисини бир-бирига қайраб қўяди, холос. Шу эртакни айтиб бериб, болалардан сўрайман: "Сизлар эртакни қайси ҳайвонга ўхшашни истасизлар?" — "Мен — арслонга!", "Мен эса, буқага!", — дея чўғурлай бошлайди улар...

Ўйланиб қоламан: ул замонлар ўтиб кетмадикиман?! Ҳозир биллакка эмас, билимга ишонадиган давр келди-ёв. Эҳтимол, ҳаётда арслон эмас, тулкига айланиш кераклири?! Эҳтимол, ҳаётда буқалик гаштини узокроқ сўриш учун тулкилик қилиб юриш кераклири?! Эҳтимол... Ҳаммани ҳайратлантира-

ман: тулки бўлгим келаяпти! Энг аввал асл тулкилар кулади устимдан! Чунки тулки ҳеч қачон тулки бўлгиси келмайди. Биллак, тулкиликни эпломанганлар тулки бўлгиси келди. Чунки... Ҳаёлларим чалқашиб кетади: ким арслону, ким буқаю, ким тулки... — билиб бўлмайди. Ҳаёт сценарийсида

роллар хомталаш тақсимланган: тулкилик қилиб арслонлигу буқалик мақомини эғллаб олганлар қанча! Буни уздадай олманган мугуздор ўткир тишлар эса... бўлди, бас, аниқ қарорга келаман: яшасин, тулкилар! Келди тулкилар замони! Бизнинг замони! Ур-па! Болалар шундай қичқиради.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

Акобир АБДУЛЛАЕВ

ЭТИ СИЗНИКИ,
СУЯГИ БИЗНИКИ

Ривоят қилишларича, Абу Ҳанифа қаба ва унга тескари томонга оёқ узатмас экан. Кунларнинг бирда шогирди ундан сўради: "Устоз, қабага оёқ узатмаслигингиз сабаби аён, аммо қарши томонга ҳам оёқ узатмаслигингиз боиси не?". Шунда ул зот: "У томонда устозимнинг уйи бор, шу боис оёқ узатишдан хижолат бўламан", — деб жавоб берган экан. Ижтимоий тармоқларда урчиған мавзулардан бири таълим муассасаларида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларидир. Эмиши, педагог дарсада фаол қатнашмаган, вазифани бажариб келмаган ўқувчини буралатиб сўқар, ҳатто унга қўл кўтараркан. Ачинарлиси, бу каби шов-шувли хабарлар одамларнинг устоз-муаллимларга ҳурмат-этиқодини пасайтир-



моқда. Эсимда, биринчи синфга чиққанымда, отам мени муаллим кулига топширар экан: "Эти сизники, суюги бизники", — деганди. Ушанда бу гапнинг маъносини англамагандим. Тан оламан, яхши ўқимаганим учун ўқитувчилардан кўп дакки эшитганман, пешонамга икки баҳо қўйилган пайлар ҳам бўлган. Бола эмасманми, дарҳол ранжиб, онамга қақиб берардим. Бундан хабар топган дадам қайтага мени уришарди. Ушанда ота-онам мени яхши кўрмайди, бўлмас тарафимни олган бўларди, деб ўйлаганман.

Аммо бугун улардан чексиз миннатдорман. Агар болаликда улар менга ён босганида, хатоларимдан ҳеч қачон хулоса чиқара олмасдим. Бугун манзара бироз бошқачароқ. Ўқитувчи ўқувчига сал қаттиқроқ гапириб қўйишдан чўчидаи. Кулоғи тинч бўлишини истади. Ўзим гувоҳ, баъзи ноқаслар боласига озгина дакки бергани учун муаллимнинг устидан ёзиб, ишдан бўшатиб юборган. Буни кўрган фарзанд бошқа ўқитувчини ҳам ноғорага уйнатаман, дейди-да. Чунки орқасида ҳимоячилари боришини билади. Болаларнинг феъл-атвори, тарбияси ҳар хил. Шундай ҳолатда уларга им ўргатиш осонми?! Ўйлаб кўринг, фарзандингизнинг инжиқлиги, айтганингизни қилмаслиги сизни қанчалик асабийлаштиради, газабингизни кўзга тади. Баъзан ўз болангиз ҳадеб савол берверса ёқмайди. Аммо ўқитувчи сира оғринмайди. У зурриёдингиз илму маърифатли бўлиб, эл ва юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб етишиши учун толмай меҳнат қилади. Бундай зотларнинг қадрига етмоқ зарур. Зеро, Ҳазрат Навоий айтганидек: "Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо, онинг ҳақин юз ганж ила".

YOSHLIK ILHOMI

СОФИНЧ
(эртак)

Одибек ЛАТИПОВ

ТОЗА
ҚАЛБ

Бир кун ичирғич қаламдан: — Ҳозир кимни кўмса-япсан? — деб сўрабади. Кун сайин жуссаси кичиклашиб бораётган қалам оғир хўрсиниб: — Ватанимни! — деб жавоб берибди. — Ватанимни?! Сенинг ҳам Ватанинг борми? — ажабланибди ўчирғич. — Ҳа, — деди қалам гамбода ҳолда. — Мени илдизлари мустаҳкам, танаси бақувват даракдан аясган. У — онам эди. Даракт илдиз отган жой эса, бизга Ватан бўлади. Ана шу ерининг сажий тупроғида етилиб, кўкка буй чўзиб ўсдим. Инсонларга яхшилик қилиш учун

мени қалам қилдилар. Мен орқали одамлар расм чиза олади. Шу аснода буюк рассомларнинг етишиб чиқиши, умрбоқий асарлар яратилишига ҳисса қўшяман. Мендан қалам ясаганлардан миннатдорман. Улар сабаб дунё кездим. Аммо жуссам кичрайган сари юртимни кўмсапман. Унга бўлган меҳрим тобора ортмоқда. Уни яна кўра оларимканман? Қаламнинг дардли ҳикоясидан ўчирғич жуда таъсирланибди. Ватани бор-йўқлиги ҳақида узоқ бош қотирибди. Бироқ бу саволига жавоб тополмабди. Дарлашиш учун қаламни қидирибди. Афсус, у қўздан гойиб бўлган эди.

— Қалби пок инсон деб кимларга айтади, буювжон? — сўради болакай. — Ҳало, пок, тўғрисида, инсонларга ёрдам қилини чўзишдан қўчмайди, ларнинг тоза қалб деймиш, — жавоб қилди момо. — Унда қалби попоқлар қандай бўлади? — яна савол берди набра. — Улар бировни кўрмомайди, бировларни гийбат қилади, бўҳтон тарқатади ва доимо ёмонликни ўйлаб юради, кўнглида гўбори бўлади. Улар сахрога ўхшайди: кўеи чиқса, қизиб кетади, шамол эсса, тўзиб кетади.

PSYCHOLOG MASLANATI

— Бирон ишни бошлашдан олдин беихтиёр ёмон ўйларга бораман. Иккиланишлар мени қўйнайди. Ўзимга-ўзим омадсизликни чақириб олаётгандек бўламан. Аҳволим кундан-кунга ёмонлашяпти. Қандай маслаҳат берасиз?

Нигора ЙЎЛДОШЕВА
Иштихон тумани



Саволга психолог Акобир АБДУЛЛАЕВ жавоб беради: — Бундай фикрлашга сизда маълум сабаб бордир, албатта. Эҳтимол, илгари бирон ишни бошлаб, кейин кутилган натижага эришмасдан, тушқунликка тушгандирсиз. Бироқ унутмангки, бундай ҳолат ҳаётда доимо юз бермайди. Фақат ўзгача тасаввур ҳаёлингизга ўрнашиб олган. Ўшбу вазиятдан дарҳол чиқиш керак. Биринчи навбата, ҳамма нарсада яхшилик излашга ҳаракат қилинг. Керак бўлса, ўзингиз билан курашинг ва кўзгуга қараб, ҳар қандай ишнинг улдасидан чиқа

олишингизни айтинг. Шунда ёмон ўйлардан халос бўласиз, ўзингизга ишончингиз ортади. Аниқ мақсад ва режаларни қайд этиб боришни ҳам тавсия қилган бўлардим. Натижада ишингизда унутдорлик сезилади.

BADIA

МЕН СЕНИ
ШУНДАЙ СЕВАМАН,
Ватан!

Маҳфуза ИБРОҲИМОВА, ўқувчи

Ватан — саждагоҳ қаби муқаддас ва ягона. Киндик қонимиз тўкилган маконимиз. Дунёга келганимизда борлиқ эшигини очиб қарши олган гўша. Илк йиғлоқ овозимизни бағрига сингиргани, пойимизга бағрини пояндоз қилиб тўшаган тупроқ. Оламининг гардларини шаффоф томчилари билан юғувчи, тоғлар этагига қокимларини ёйғувчи, инсонлар бошини сабо қўллари билан силагувчидир. Қаратонда беғуборлик кўрпасини, қуёшли кунда оламага алвон чодирини ёйғувчи, борлиқни ўз мевалари

билан сийлагувчи — Ватандир. Ватан қўйнида ўсамиз, улғаямиш, умид ва истақларга кўз очамиз, гўзалимиз ва эзгуликка интиламиз. Аждодлар хокини ўзида жо айлаган шу азиз тупроқни фарзандларча севаман, қадрайман. Қадим чинорларига ота-боболарим руҳи синггандек гўё. Райҳон ўсган ариқлар буйида момоларим изларини кўраман. Улар китоб саҳифалари узра келажак билан сўзлашади. Ватан! Сенинг муқаддас тупроғингни тумор қилиб тақсаму, самодан ёмғир бўлиб ёғиб, бағрингга отилсам. Дарё бўлиб оқсаму, тўлқин бўлиб пойингга бошимни урсам. Шабнам бўлиб тупроққа сингсаму, қизғалдоқ бўлиб тоғларингда очилсам. Куёшинг бўлиб кўлсаму, тилагинг бўлиб эзгуликка юз тутсам!... Мен сени шундай севаман, Ватан!

BILASIZMI?



Юрак ишемик касалликларининг тахминан 30 фоизи, диабетнинг 27 фоизи, сут бези ва йўғон ичак саратонининг қарийб 21-25 фоизи камҳаракатлик туфайли юзага келади. Айтилик, Европада жисмоний нофаол аҳоли қатлами орасидан ҳар йили 1 миллион киши ҳаётдан кўз юмоқда. Минтақада истиқомат қилувчи 15 ёшдан катта бўлган ҳар ун нафар фуқародан олти нафари жисмоний тарбия ва спорт билан умуман шугулланмайди.

Самолётада учиб келган йўловчи томонидан талаб қилиб олинмаган багаж аэропортнинг тегишли хизматида топширилади ва кўпи билан 3 ой сақланади. Кейин эса, йўқ қилиб юборилади. Чет эллик ташувчилар томонидан олиб келиниб, талаб қилиб олинмаган багаж аэропортда кўпи билан 7 кун сақланади. Эгаси чиқмаган тақдирда, уни олиб келган ташувчининг рейси билан қайтариб юборилади.

АЗИЗ
МУШТАРИЙ!

Интеллектуал салоҳиятингизни синаб кўриш мақсадида газетанинг 54-сонини (2018 йил 8 майда "Ajodlar yodi" айланма сканворд — муаммонимани эълон қилганда) қўйида унинг жавоби билан танишингиз мумкин. Shuhrat. Xotira. Abadiy. Saodat. Do'mon. Ammiak. Dushman. Badiha. Doston. Tabiat. Akobir. Ananas. Ghibrid. Samara. Nodira. Rassom. Natija. Bosqon. Jayron. Novvot. Tortiq. Oripov. Sovrin. Kabisa. Afrika. Oqibat. Tirana. Lazzat. Navoiy. Koshona. Mehmon. Gazeta. She'r: Inson qadri ardoqlanar dillarda, Mard insonlar nomi doston tillarda, O'zbek eli mashhur bugun ellarda, Sen doimo qalbmidasan, jigarim.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОКИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзаонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктамжонович
Навбатчи
Санжар Эшмуродов

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рўхсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.
Буюртма № 536
Адади — 22176
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.35
Ушбу маълумот — 22.35
Офис ўстида босилган.